

Мисрда Қуръон мусобақаларини рағбатлантириш учун 700 минг АҚШ доллари ажратилди



07:30 / 26.03.2019 1493

Миср Вақф вазирлигининг маълум қилишича, мамлакатда миллий ва халқаро Қуръон мусобақалари ғолибларини рағбатлантириш учун 1,2 млн миср фунти, қарийб 700 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

Саъди ал-Абад газетасининг хабарига кўра, ушбу маблағлар, аввало Мисрда учта категорияда ўтказиладиган миллий Қуръон мусобақаларининг ғолибларига берилади. Шунингдек, бу пуллар ҳар йили Мисрда ўтказиладиган халқаро Қуръон мусобақаси ҳамда ногиронлар ўртасида ташкил этиладиган мусобақа ғолибларига ҳам берилади.

2019 йилнинг 29 март куни Мисрда Шимолий Африка мамлакатлари ўртасида XXVI халқаро Қуръон мусобақаси бошланади. Вақф вазирлигининг билдиришича, ушбу мусобақа уч босқичда ташкил этилади. *Биринчиси*, диний билим оловчи талаблар ва битирувчилар, *иккинчиси* Қуръони каримни камида ярмини ёд олган оддий иштирокчилар ва *учинчиси* 12 ёшгача бўлганлар иштирокчилар ўртасида бўлиб ўтади.

Мусобақада қатнашувчиларнинг энг юқори ёши 40 деб белгиланган. 2018 йилги XXV халқаро Қуръон мусобақасида 50 зиёд давлатдан ҳофизи Қуръонлар қатнашган эди.

Islom.uz